

Ishonch

2019 йил 12 сентябрь • пайшанба • № 111 (4240)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА КАФОЛАТЛАНГАН ТУШУМЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 11 сентябрь куни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан мураккаб янги тизим яратилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги кўплаб бюрократик тўсиқлар бартараф этилмоқда.

Ушбу янги тизим яқинда ташкил этилган Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг мувофиқлаштирувчи роли остида Бош вазирнинг Тадбиркорлар муносабатларини кўриб чиқиш қабулхоналари, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, жойлардаги ҳокимларнинг биринчи ўринбосарлари бошчилигидаги иқтисодиёт комплекси ташкилотларининг мазкур йўналишда ҳамжиҳатликда ишлагани назарда тутилди.

Тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак бериш мақсадида уларга тижорат банклари ўзига хос бизнес-ҳамкор бўлишини таъминлаш бўйича янги концепция амалиётга жорий қилинмоқда.

Бундай тизимли амалий чоралар натижа-сида жорий йилнинг ўтган 8 ойида 70 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. Бу ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан 2 баробар кўпдир.

Шу билан бирга, ҳудудларда ишлатилмаётган резерв ва имкониятлар етарли. Соҳани ривожлантириш бўйича янги тизим қандай ишлагани кераклигини жойларда кўпчилик раҳбарлар ҳали чуқур англаб етмапти.

Бош вазир қабулхоналари ташкил этилганидан кейин ўтган уч ой мобайнида уларга 12 мингдан зиёд муножаат келиб тушган, уларнинг асосий қисми кредит, ер ажратиш ва бошқа масалалар билан боғлиқ.

Муножаатларнинг аксарияти Тошкент, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд вилоятла-

рига тўғри келган. Улардан 9 мингтаси ёки 75 фоизи жойида, шундан 40 фоизи бевосита туман даражасида ҳал бўлган. Бу ҳолат илгари қуйи бўғин раҳбарлари тадбиркорлик соҳасидаги муаммолар билан умуман шугулланмаганидан далolat беради.

Вазирлар Маҳкамасига Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги билан бирга Бош вазир қабулхоналарига тадбиркорлик субъектларидан тушаётган муножаатларда кўтарилаётган муаммолар имкон қадар жойида ҳал этилишини доимий равишда муҳокама қилиб бориш топширилди.

Шунингдек, марказий идоралар ва вазирликлар раҳбарларидан иборат таркибда 6 та ҳудудий Ишчи гуруҳлар тузган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги тизимни мамлакатнинг бошқа туман ва шаҳарларида жорий этиш, жойларда бу борада ишлатилмаётган имкониятларни сафарбар қилиш юзасидан аниқ чоралар белгилаб берилди.

Жумладан, Ишчи гуруҳларига ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятлари ва салоҳиятини ўрганиб, уларни қайси йўналишларга ихтисослаштириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда шунга мос равишда янги инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини таъминлаш юклатилди. Шунингдек, жойларда тадбиркорлар иштирокида уларни қизиқтирган масала ва муаммолар юзасидан очик мулоқотлар ўтказиб, мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриб бориш топширилди.

Мажлисида бизнес муҳитини яхшилаш бўйича қонуний асосларни такомиллаштириш ва аниқ йўналтирилган амалий чоралар кўриш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, бизнес юритиш, лицензия ва рухсатномаларни олиш бўйича киритилган ян-

гиликлар амалиётда ҳали тўлиқ ишга тушиб кетмаётгани танқид қилинди. Хусусан, Давлат хизматлари ягона реестрига киритилган 693 та хизмат туридан атиги 103 таси ёки 15 фоизи Давлат хизматлари марказлари орқали ва электрон тарзда кўрсатилмоқда, холос. Бу эса тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган шахсларга қийинчилик туғдирмоқда.

Шунинг учун Адлия вазирлигига тадбиркорларга онлайн тизимда ахборот-маслаҳат хизматларини жорий этиш, қоғозда кўрсатилаётган барча давлат хизматларини электрон кўринишга ўтказиш бўйича бир ой муддатда тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, қурилиш ҳужжатларини келишишни ягона онлайн тизимини амалиётда тўлиқ ишлатишни таъминлаш бўйича зарур чоралар белгилаб берилди.

Қўллаб-қувватлаш бўйича бизнес субъектлари 3 тоифага (кичик, ўрта ва йирик) бўлинган ва давлат томонидан ҳар бир тоифага нисбатан алоҳида қўллаб-қувватлаш сиёсати олиб борилди. Лекин Ўзбекистонда иқтисодиёт ривожига алоҳида роль ўйнайдиган "ўрта бизнес" тушунчаси, афсуски, умуман йўқ.

Шуни ҳисобга олиб, Вазирлар Маҳкамаси ва тегишли вазирликларга ўрта бизнес тоифасини жорий этиш, кичик, ўрта, йирик бизнес мезонларини қайта кўриб чиқиш, уларни алоҳида механизмлар асосида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича уч ой муддатда кўрсаткичлар пронозга нисбатан юқори бўлгани алоҳида қайд этилди.

Ийгилиш кун тартибидеги иккинчи масала – давлат бюджетига тушумларни таъминлаш ҳолати кўриб чиқилар экан, ўтган 8 ойида бу борадаги кўрсаткичлар пронозга нисбатан юқори бўлгани алоҳида қайд этилди.

Даромадларни ошириш бўйича фойдаланилмаган захираларни ишга солиш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Яқка тартибдаги

тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солиқ бўйича тушумларни таъминлаш, яширин иш ўринларини легализация қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида кўп миллиард сўмлик солиқ қарздорлиги ундирилмагани, қатор туман ва шаҳарлар раҳбарлари изланмай, йирик солиқ тўловчилар ҳисобига проноз кўрсаткичларини бажаришда давом этаётгани танқид қилинди.

Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки экспертлари иштирокида тузилган Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш бўйича инспекция солиқ резервларини ўрганиш ва тушумларни кўпайтиришда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди. Ушбу ишларнинг самарасини ошириш учун йирик солиқ тўловчиларни электрон ҳисоб фактураларига ўтказиш ва уларни бухгалтерияни компьютерда юритиш дастурларига боғлаш кераклиги таъкидланди.

Молия вазирлигига қўшимча қиймат солиғи ставкасини камайтириш бўйича аниқ асосланган таклиф киритиш топширилди. Бюджет тушумларининг 21 фоизини таъминлайдиган 20 та шаҳар ва туман билан бевосита ишлаш учун уларга мутасадди раҳбарлар бириктирилди.

Давлат бюджетининг даромадлар қисмини бажаришда сусткашликка йўл қўётган ҳудудий солиқ идоралари раҳбарлари огоҳлантирилди. Президент пронозни олдиндан тўлов ҳисобига бажариш қатъиян ман этилишини таъкидлади.

Тадбиркорлар, экспертлар ва илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари иштирокида ўтказилган муҳокамада билдирилган таклифларни инобатга олиб, Солиқ кодексининг янги тахрири лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ва ҳокимларнинг ҳисоботи ва таклифлари эшитилди.

ЎзА

КУН НАФАСИ

Шавкат Мирзиёев 10 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги Президент мактабига ташриф буюрди.

president.uz

ри технологиялар парки директори Всеволод Янчевский бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб турибди.

uz.uz

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

uz.uz

ЎзФА Археологик тадқиқотлар институтининг мутахассислари Навоий вилоятида яна бир тарихий ёдгорлик – қўриқлаш минораси қол-дигини топди. Бу ердан темир-қўрағон давrigа оид мис танга, XI-XIII асрларга оид сирланган ва сирланмаган сопол идиш парчалари ҳам топилган.

uz.uz

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов бошчилигидаги делегация Женевада ўтказилаётган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 42-сессиясида иштирок этмоқда.

uz.uz

Пойтахтимиздаги гимнастика бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қилиб-қўйилган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 42-сессиясида иштирок этмоқда.

uz.uz

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг матбуот хизмати

uz.uz

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири ўринбосари генерал-майор Азизбек Икромов бошчилигидаги ҳарбий делегация ҳарбий таълим соҳасидаги икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, ҳарбий таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш мақсадида АҚШга ташриф буюрди.

uz.uz

11 сентябрь куни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган АҚШ мудофаа вазирининг минтақасида хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчисининг ўринбосари Рендал Шрайверни қабул қилди.

mfa.uz

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти

uz.uz

Беларусь Республикаси ЮҚО

uz.uz

uz.uz

Кун мавзуси



Ахтам ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон фермер, деҳқон
ҳўжалиқлари
ва томорқа ер эгалари
кенгаши раиси:

БИЗ ЖУДА КЎП ҒЎШТ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛЯПМИЗ

Ғўшт нархи нега қимматлаб кетяпти, деб ўйлайсизлар? Тўғри, озуқа етишмаслиги биринчи сабаб, иккинчидан, бугун биз жуда кўп ғўшт истеъмол қиляпмиз. Шунчалик кўп ғўшт емоқдамизки, бунинг натижасида кўпгина касалликлар пайдо бўляпти.

Манба: kun.uz

Кун ёлғони

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Манба: azon.uz

Усмонхон Алимов ҳазратлари Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий лавозимидан озод этилмаган!

Манба: muslim.uz



Бор бўл, оқибат!

Янги уйларда шодиёналар

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бир қатор

хайрли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, соҳа фаоллари олис туманларнинг чекка қишлоқларида истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг хонадонларида бўлиб, уларнинг шароитлари билан танишиб чиқди. Эҳтиёжман 3444 та хонадонга маиший техникалар

олиб берилди. Уй-жойи таъмирталаб ҳолатга келиб қолган оилаларнинг хонадонларида қурилиш ва пардозлаш ишлари амалга оширилди. Шу кунга қадар рўйхатга олинган 560 та оиладан 529 тасининг уйларида таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

»2

БЛОГЕРЛАР БУРЧАГИ

facebook
🔍
👤

Darmon Ibragimov

«ТАКЛИФ!»

Мана, йил ҳам яқунлаиб бораёпти. «Йилнинг энг яхши қовунчиси» деган танлов ўтказилса, қандай бўларкан-а?

Шарофиддин Тўлаганов

ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИ

«Океанорти мамлақати» – бу АҚШ
«Осмоности мамлақати» – бу Хитой
«Кун чиқар мамлақат» – бу Япония
«Тонг бокиралиги мамлақати» – бу Корея
«Ширин қовунлар мамлақати» – бу...

Islomota.uz

ОДАМЛАР ШУНДАЙ, БИРОДАР

Мулойим бўлсанг, латта экан дегувчилар топилади. Қаттиққўл бўлсанг, бемехр, бағритоша чиқаришади. Илмдан гапирсанг, амал ҳам қилиш керак дейишади. Амал қилсанг, олдин яхшилаб ўрган, дейишади.

Бидъатларни тарк қилсанг ваҳобийга, зикрларни кўпайтирсанг сўфийга чиқаришади. Мақтасанг маддоҳ бўласан, танқид қилсанг, ичи қорага айланасан.

Ҳақни гапирсанг, ўрнимас дейишади. Индамасанг кўрқоққа чиқаришади. Бой бўлсанг, харомдан топган, камбағал бўлсанг, дангаса бўласан.

Одамлар шундай, биродар. Улар барибир гапиришади. Улар барибир тинч қўйишмайди. Улар барибир рози бўлишмайди.

Сен уларга кўп ҳам аҳамият берма! Сен сени Яратгани рози қилишга урин! Сенга ҳақиқий баҳони У қўяди.

@islomotauz_official
📍

ХАВФСИЗ МЕҲНАТ – АСОСИЙ МАҚСАД

ёхуд меҳнат муҳофазаси ҳақида мулоҳазалар

2

ЧЕМПИОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАР НИМАДА?

3

ЭҲ, СИЗ ЭРКАК-«ЭРКАКЛАР»

ёхуд унутилаётган қадриятлар ҳақида ўйлар

4



Манзилли дастурга мувофиқ, 112 та оила уй-жой билан таъминланиши белгиланган эди. 2019 йилнинг февраль ойида Тахтакупи туманида 6 та, март ойида Тахтакупи туманида 60 та ва июнь ойида Тўрткўл туманида 5 та оилага янги уйларнинг қалитлари топширилди. Замонавий турар-жойларга эгаллик ҳуқуқини олган 71 та хонадон эгалари ҳовли тўйларини ўтказдилар.

Янги уйларда шодиёналар

Қораўзақ тумани «Бердақ» ОФЙда бўлиб ўтган тадбирда Нукус шаҳри, Қораўзақ, Кегайли, Амударё, Шуманай, Қонликўл, Қўнғирот, Хўжайли, Нукус, Чимбой, Эллиққалъа ва янгидан ташкил этилган Бўзатов туманларидан жами 30 оилага Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳомийлигида бўй тиклаган ва иккиламчи бозордан сотиб олинган уй-жойларнинг қалитлари топширилди.

Бегараз амалга оширилаётган ижтимоий муҳофазадан қанчадан-қанча эътиҳманд инсонларнинг кўнгиллари обод бўлаётганини кўряпмиз, – дейди бирлашма раиси Улуғбек Жалмонов. – Дастур доирасида ўзи бўлмаган, ночор аҳволда ҳаёт кечираётган 101 та оилага замонавий турар-жойлар тақдим этилди.

Эллиққалъалик Юлдаз Атамуратова туғишгани Саломатдин билан оғир аҳволда кун кечирар эди. Маҳалла-қўй, қўшнилари ота-онасиз болаларни ташлаб қўймади. Маҳалла фаоллари кўмагида Саломатдиннинг тўйи ўтказилиб, касба уюшмалари ёрдамида томорқасига дархат кўчатлари экилди. – Ота-онамиз оламдан ўтгач, Саломатдин икковимиз

қийин аҳволда қолдик, – дейди эллиққалъалик иккинчи гуруҳ ногирони Юлдаз Атамуратова. – Бахтимизга янги инсонлар бор экан, қараб туришмади. Туман ҳокимлиги «Дўстлик» ОФЙдан 8 сотих ер ажратди. Касба уюшмалари маблағлари ҳисобидан эса уч хонали замонавий уй қуриб берилди. Янги уйда бугун жигаримнинг оиласи билан бахтиёр ҳаёт кечирмоқдамиз.

Ҳаётнинг оғир синовлари Юсуповлар оиласини четлаб ўтмади. Ота-онасидан ажраб қолган тўртта фарзанднинг каттаси Одилбек укаларини эргаштириб, қариндош-уруғлариникида юрди.

– Ота-онамиз 2012 йили оламдан ўтганди, – дейди Одилбек Юсупов. – Шароитимизни ўрганиб чиққан фаоллар бизга замонавий уй-жойлардан бирини ажратиб берди. Бундан жуда хурсанд бўлдик. Укаларим тарбияси билан энди ўзим шуғулланаман. Ниятимиз – комил инсонлар бўлиб воғга етиш, Ватанимизга, халқимизга чин дилдан хизмат қилиш.

Ортиқбой МАМУТОВ, «ISHONCH»



Эзгулик

Энг яхши тухфа

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси, Дўстлик ордени соҳиби Қўлимурот Собиров ўзи ўқиган Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиққалъа тумани, «Пахтачиовул» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 5-умумтаълим мактабига ташриф буюриб, шахсий кутубхонасидан 150 номдаги адабиётларни совға қилди.

Мактабда ўтган тадбирда ушбу даргоҳ битирувчилари орасидан фан, санъат арбоблари, таниқли раҳбарлар етишиб чиққанлиги алоҳида таъкидланди.

– Дунёда китобдан катта бойлик, китобдан бошқа наҳот йўқ. У билан дўст тунинган борки, яхшиликка, эзгуликка ошно бўлади, – деди Қ.Собиров. – Мутолаа кишини тафаккур, таҳлил ва хулоса қилишга ўргатади. Ушбу даргоҳда ўқиган ҳар бир ёш авлод ўзи туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган она юрти, халқига содиқ хизмат қиладиган, эл раванқига камарбаста бўладиган етук олим, жонқуяр раҳбар бўлиб етишишига ишонаман.

Дарҳақиқат, адабиёт инсонни комиллик сари бошловчи маънавий сарчашмадир. Китоб ўқиш улғаяётган ҳар бир ёш замонавий технологиялардан ҳам унумли фойдаланиб, ўз билимини мустаҳкамлаб борса, фойдадан холи бўлмайди. Тадбирда содиқ ўқувчи томонидан илм даргоҳига компьютер жамланмаси ҳам совға қилинди.

Тадбирда Эллиққалъа тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси депутати, «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби Саидахмад Аевозов, Қўнғирот минтақавий темирйўл узели раҳбари Бердақ Худойназаров, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби Халлилла Ернарзоров ва бошқалар сўзга чиқди.

Мирзо МУРОТОВ

Фарғона вилояти

Касба уюшмаси аралашгач...

Зарур маблағ ажратилди

Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига Данғара тумани «Чинобод» МФЙда яшовчи фуқаро Рафиқжон Маматқуловдан мурожаат келиб тушди. Фуқаро Қўқон шаҳар ободонлаштириш бошқармасидаги иш фаолияти чоғида икки йил олдин бахтсиз ҳодисага учраб, икки оғидан оғир жароҳат олган. Ушбу бахтсиз ҳодиса ишлаб чиқариш билан боғлиқ деб топилди, Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилган. Йиллар давомида олган жароҳатининг асоратлари ёмонлашиши оқибатида жарроҳлик амалиёти ўтказиш зарур бўлган.

Р.Маматқулов операция учун зарур бўлган 8 миллион 500 минг сўм маблағни иш берувчига тўлаб беришни сўраб, бир неча мартада мурожаат қилди. Лекин иш берувчи унга шаҳар молия бўлими томонидан ушбу харажатлар сметада кўзда тутилмаганини рўқач қилиб, мурожаатни рад этди.

Мурожаатни вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассислари ўрганиб чиқди. Олиб борилган музокара натижасида вилоят Маънавият ва ҳоразмлик меҳнат-қашларнинг фарзандлари ҳам (уч мингдан зиёд) дам олдирилди. Шунингдек, 2019 йил ёз мавсумида мактаблар қошида ташкил этилган 65 та кундузги соғломлаштириш майдончаларида 25

Авазжон ТўРАХУНАЕВ, Фарғона вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи юристконсулти

Кўпчилик қатори интернетга кириб, ижтимоий тармоқдаги турли-туман янгиликларни, «гап-сўз»ларни кузатиб бораман. Баъзан айрим воқеа-ҳодисаларга билдирилган муносабат ва изоҳларни ўқиб, «тутаб» кетаман ҳам. Бу ҳаётда нималар нў бермайди ахир? Масалан, қайсиدير фаррош дереза ойнасини артаётиб, учинчи қаватдан йиқилиб тушади... Кимнидир кучли қувватли электр токи уради...

Хавфсиз меҳнат – асосий мақсад

ёхуд меҳнат муҳофазаси ҳақида мулоҳазалар



Аслида, буларнинг ҳаммаси эътиёсизлик, меҳнат муҳофазасига амал қилмаслик оқибатида юз берган кўнгилсиз ҳодисалардир. Бу «жараён»да жабранувчилар, бевақт ҳаётдан кўз юмганлар ҳам бор. Ўта оғир кулфат. Аммо ижтимоий тармоқларда бундай воқеа-ҳодисалар умуман бошқача талқин қилинади. Эмишчи, фаррош ўз жонига қасд қилган ёки кимдир уни атай туртиб юборган. Сочини беҳосдан лентага ўралиб қолган қиз тўйга қаршилигини ўз сочини ва жони билан «ифодалаган эмиш»...

Очиги, ана шундай ва шунга ўхшаш изоҳ ҳамда муносабатларни ўқиганимда, пашшадан фил ясайдиганларга қўл силтагим келади. Негаки, мен юқоридagi бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиши сабабларидан озми-кўлими хабардорман. Билганим шуки, кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларнинг аксарияти ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига амал қилмаслик оқибатида содир бўлган. Афсуски, ҳамма корхона ва ташкилотларда ҳам меҳнат муҳофазаси талаб ва қоидаларига тўлиқ амал қилинавермайди. Айрим ишчи-ҳодимлар меҳнат муҳофазасига оид эътиёт чораларига «хеч нарса қилмайди-ку» дея бепарқ, безътибор бўлишади. Оқибатда эса кўза кунда эмас, кунда синида.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши, хусусан, Меҳнатни муҳофазаси бўлими томонидан юқоридagi каби ишлаб чиқаришда учраб турадиган турлича кўринишдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Масалан, «Хавфсизлик, саломатлик ва келажақдаги меҳнат» шiori остида жойларда ўтказилган тадбирларда иш берувчи ҳамда ҳодимлар меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигига оид ҳуқуқий ҳужжат, мезъий талаблар билан атрофича таништирилди. Аниқланган камчилик ва муаммолар юзасидан тегишли тавсиялар берилиб, йўриқнома ва қўлланмалар тарқатилди.

Таъкидлаш жоизки, меҳнат муҳофазасига оид ушбу тадбирлар Федерация тизимидаги барча тармоқ ва бирлашмалар томонидан ҳамкорликда амалга оширилди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳодимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ҳам белгиланган, берилган вазифалардан келиб чиқиб, тармоқ бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда танқидий-таҳлилий руҳда тадбирлар ўтказиб, улarga амалий ва назарий

Тошкент шаҳри

Болажонларнинг сеvimли фасли – ёз ҳам олтин кузга ўрнини бўшатиб, юртимизнинг сўлим гўшаларидаги оромгоҳларда мароқли ҳордиқ чиқарган болажонлар янги куч-ғайратга тўлган ҳолда жонажон мактабига қатнай бошлашди.

Таътил вақтида болаларнинг вақтини мазмунли ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган бу йилги мавсум қандай ўтди? Тошкент шаҳрида қандай ўзгариш ва янгиликлар амалга оширилди, болажонларга яратиб берилган имкониятлар нималарда акс этди? Тошкент давлат юридик университетида ўтказилган Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш ташкилотчилари анжуманида бу борада амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Жорий йилда болаларнинг дам олишни ташкил этиш ва соғломлаштириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилди. Натижада, Тошкент шаҳри бўйича 24 та стационар оромгоҳда режадаги 29 910 нафар ўрнига 35 мингдан зиёд болажон соғломлаштирилди.

Бундан ташқари, ҳар йилгидек Қорақалпоғистон ва хоразмлик меҳнат-қашларнинг фарзандлари ҳам (уч мингдан зиёд) дам олдирилди. Шунингдек, 2019 йил ёз мавсумида мактаблар қошида ташкил этилган 65 та кундузги соғломлаштириш майдончаларида 25



Икром ХИҲАНОВ оилаи сураб.

Мавсум қандай ўтди?

мингдан зиёд болаларнинг иштироки таъминланди.

Мавсум давомида интеллектуал ривожлантириш, спорт-соғломлаштириш, ҳарбий-спорт, экологик-биологик, ўлкашунослик, меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари ҳам фаолият олиб борди.

«Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернат тарбияланувчилари, кам таъминланган, ёлғиз ва кўп болали оилалар фарзандларига оромгоҳларга бепул йўлланмалар ажратилди. Шу билан бирга, рабатлантириш тартибига асосда, имтиёзли тарзда ўқитдорли болалар ҳам жалб этилди.

Барча оромгоҳларда тарбиявий, маънавий-маърифий, спорт ишлари яхши

йўлга қўйилиб, истиқлолнинг 28 йиллиги муносабати билан «Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган маданий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари кўтаринки руҳда ўтказилди.

Бу каби жиҳатлар алоҳида эътироф этилган анжуманда болаларнинг дам олишни мазмунли ташкил қилишда ўз ҳиссасини қўшган, долзарб ва масъулиятли вазифани амалга оширишда намуна кўрсатганлар Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Абду РАҲМОНОВ

Мутахассис фикри

ёрдам кўрсатди. Жойлардаги ўрганишлар жараёнида бир қатор камчиликлар ва муаммолар аниқланди. Масалан, тармоқнинг Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри, Кегайли, Эллиққалъа, Беруний ва Чимбой туманларида меҳнат муҳофазасига оид ишлар тўлиқ ташкил этилмаган. Иш берувчи ва ходимлар томонидан меҳнат муҳофазаси талабларига амал қилинмаслиги оқибатида охириги бир йил ичида 5 та бахтсиз ҳодиса рўй берган. Бу кўрсаткич тармоқ бўйича республикада энг юқори ҳисобланади. Ваҳоланки, иш берувчи ҳам, ходим ҳам меҳнат муҳофазаси талабларига тўлиқ ва қатъий амал қилишлари шарт.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбирлар «Исламаянсан, қилмаянсан» деган мазмунда ўтказилаётгани йўқ. Аввало, иш берувчи ҳамда масъулларга услубий-амалий ёрдам кўрсатилади, соҳага оид тавсия ва маслаҳатлар берилди. Шунингдек, ходимлар, турли корхона ва ташкилотдаги бошланғич ташкилотлар вакиллари рабатлантириш мақсадида аънавий Республика кўрик-танлови ташкил этилди. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлашда жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича ўтказилган мазкур танловда «Энг яхши ташкилот», «Энг яхши касба уюшма кўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил», «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг ёш мутахассис» каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Соғломлаштириш берилган мукофотлар уларнинг масъулиятли меҳнат фаолияти ҳамда фойдৌлигига берилган эътибор ва эътироф бўлди.

Маълумки, меҳнат муҳофазасига оид тадбирлар жойларда ҳар йили ўтказилади. Йилдан-йилга уларнинг қамрови кенгайиб, мазмунли бўйиб бормоқда. Албатта, бунда Касба уюшмалари Федерацияси кенгашининг алоҳида ўрни бор. Хусусан, ҳодимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда касба уюшмалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида 2019 йил 28 февралдаги Раёсат қарори ва мазкур қарор асосида амалга оширилиб келинаётган чора-тадбирлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бегали САЙДАЛИЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳодимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

Наманган вилояти

Юртимизда биргина 2018 йилда ишлаб чиқариш билан боғлиқ 554 та бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Бу кичик рақам эмас. Хўш, меҳнатни муҳофазаси қилиш мутахассислари бугунги кунда ўз зиммасидаги бурчни қай даражада уддаламоқда? Тинимсиз фаолият юритилиши, назорат, тарғибот ишларига урғу берилишига қарамай, бахтсиз ҳодисалар содир бўлаётганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Жавобгарлик ҳисси уни ўзимиздан бошлашимиз шарт

Наманган вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ташкил этилган «Меҳнатни муҳофазаси қилиш мутахассисларининг ҳозирги кундаги ўрни» мавзусидаги давра сўхбатига айни шу хусусда сўз юритилди. Унда касба уюшма фаоллари, вилоят Бандлик бош бошқармаси Давлат меҳнат инспекцияси, шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасалардаги меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар иштирок этди.

– Ҳар қандай киши муйайн фаолият билан шуғулланар экан, шу жойдан маош оламан, оиламни боқаман, деган ўй билан ишга келади, – деди давра сўхбатига ВКУТБ бўлим мудир Мирзаноziр Қорабоев. – Ходим учун муносиб иш ўрни яратиш эса касба уюшма фаолларининг ҳам, меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларнинг ҳам биринчи галдаги вазифасидир. Меҳнат муҳофазаси борасида арзimas нарсанинг ўзи йўқ. Вақтида тузатиб қўйилмаган, очилиб қолган электр сими ёки ускунанинг янги ёпиламан қопқоғи жуда аянчли оқибатларни юзага келтирувчи воқеаларга сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, иш ўрнини доимий назорат қилиш, тартибга келтиришда жавобгарликни ҳис қилишни ўзимиздан бошлашимиз шарт.

Давра сўхбатига мутасаддилар ходимлар меҳнатини муҳофазаси қилишни ташкил этишга доир ишларни янада тақомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини оширишга доир масалаларни бундан қаратди. Тажрибали кўрсатмоқдаки, хавфсизлик маданий-маърифий юқори даражада бўлиши ходимларга, иш берув-

чиларга ва Ҳукуматга бирдек наф келтиради.

Қайд этилишича, бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларни кўп ҳолларда иқтисодий-тениш бошланғич секториди, яъни қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, қурилиш, саноат ва қончилик соҳаларида юз бермоқда.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Жавоб оддий: ходимларнинг билим даражаси етарли эмаслиги, меҳнат хавфсизлиги қоидаларини ўрганилмагани, ёнғин, хавфли моддалар билан нотўғри мулоқот, шунингдек, норасмий иқтисодиёт ўлим кўрсаткичларининг ошишига олиб келади.

Биргина мисол: қурилишда ишловчи Баҳромжоннинг асосий вазифаси арқон ёрдамида турли оғирликдаги юкларни юқорига узатиб бериш. У бепарволик қилиб, махсус қўлқоп кийишни ўзига ошиқча иш деб қарайди. Ғишт уриш учун қоршигани арқон ёрдамида тортиб бераётган кунларнинг бирисида арқон қўлидан сидирилиб кетади. Оғир юк таъсирида ишқаланиш туфайли арқон Баҳромжоннинг қўлини кесиб юборади. Шу каби ҳолатлар зарур ҳимоя воситаларидан фойдаланишни истамеган ходимлар билан содир бўлмоқда.

Қолаверса, раҳбар, муҳандис техник-ҳодимлар ва мутахассислар ўзларининг лавозим вазифалари, йўриқномалари талабларини етарлича бажармаслиги, меҳнатни муҳофазаси қилиш қоиди ва мезъорлари талабларига амал қилмаслиги ва бу борада масъул шахсларнинг раҳбарлик назоратини сувайтир-

гани ҳам бу каби аянчли воқеаларга сабаб бўлаётир.

Республикада ноқулай меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларга қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёз ва қоғалар белгилаб берилган. Жумладан, юқори тариф ставкаларда белгиланган меҳнат ҳақи, қисқартирилган иш вақти, қўшимча меҳнат таътили, бепул даволаш-профилактикаси, озиқ-овқатлар, имтиёзли пенсиялар. Бугунги кунда 300 мингга яқин ходим мунтазам равишда ушбу имтиёз ва қоғалар билан таъминланмоқда.

Таъкидлашимиз, вилоятда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган 6 ой мобайнида ташкилотларнинг меҳнатни муҳофазаси қилиш тадбирлари учун қилган харажатлари 7 миллиард 219 миллион 815 минг сўм, шу жумладан, яқка тартибда ҳимояланиш воситаларига бўлган харажатлар (махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқалар) 3 миллиард 263 миллион сўмдан зиёд, махсус таомлар ҳамда бошқа харажатларга эса 3 миллиард 956 миллион 815 минг сўм сарфланган. Рақам катта, бирок... Бу эса соҳада қатъий ҳамкорликни давом эттиришни тақозо этади.

Давра сўхбатига кўтарилган муаммоларнинг ечим юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, вилоят меҳнатқашларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида тегишли органларга тақдим этилди.

Дилдора МИРЗАКАРИМОВА

Журналист суриштируви

ЧЕМПИОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАР НИМАДА?



Президентимиз раислигида шу йилнинг 4 сентябрь куни бўлиб ўтган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳадаги ютуқлар билан бирга мавжуд камчи-

ликлар ҳам таҳлил этилди. Бизда нима учун бутун дунё ҳавас қиладиган спортчилар кам? Миллатнинг фахру ифтихори, ғурури бўла оладиган жаҳон чемпионларини тарбияладиган мухит яратиш шу қадар мураккабми? Соҳага дахлдор занжирнинг қай бир ҳалқасида бўшлиқ борки, шунча тарғибот-ташвиқот қилин-

са-да, болаларни оммавий равишда спорт машғулотларига жалб этиш етарли даражада эмас? Мухбирларимиз жойларда бўлиб, мавжуд аҳвол билан яқиндан танишди, муаммо ва камчиликлар ҳақида суриштирди, уларнинг ечимлари хусусида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутди.



Қашқадарё вилояти

ёндашуви кишини қувонтиради. Бир шогирдим Диёра Зарипова айна пайта Ташкентда шуғуллантипти. У «Baby caravan» Республика турнирида ғолиб чиқди. Диёранинг ойиси қизининг профессионал спортчи бўлиб етишишини, Жаҳон чемпионатларига, Олимпиадаларга чиқишини хоҳлайди. Шунинг учун икки йил олдин қизини пойтахтга олиб кетди.

– Сиз қаршилиқ қилмадингизми? Интилиши ва қизиқиши юқори бўлса, у сиз билан ҳам юксак натижаларга эришиши мумкин-ку... – Ташкентга кетишни ўзим маслаҳат бердим. Ахир, пойтахт пойтахт-да. У ерда кишин-ёзин машғулотлар тўхтамайди. Қолаверса, қишда заллар иссиқ бўлади. Бизда эса бу пайтада қалин-қалин жемпер кийиб, машқ бажаришга мажбур бўлишди. Чунки залимиз иситилмайди. Қалин кийимларда эса бадий гимнастика усулларини бажариш қийин. Бажарётган машқлар, усуллар ўхшашмайди, кўнгилдагидек нафис чиқмайди. Ёз фаслида қишда «спорт формасини йўқотган» спортчини қайта «форма»га келтириш билан банд бўляпти. Эндигина маҳоратида олдинга силжи сезила бошлаганда совуқ фасллар бошланиб, яна тўхташ бўляпти. Хуллас, гимнастика залининг совуқлиги, исимаслиги қизларнинг натижаларига салбий таъсир этмоқда.



Бундан ташқари, кийиниш хонамизда оёқ остида тўшама йўқ. Бетони совуқ. Кийим илғичлар йўқ. Ювениш имконияти мавжуд эмас. Душ йўқ. Ҳаттоки, биз, мураббийларга бўш вақтда ўтириладиган хона йўқ. Битта хона бор-у, аммо ёнғинчилик бўлса, томидан чакка ўтади. Кишинг совуғидан нима қилишни, қерда ўтиришни билмай қоламиз. Совуқда, бўш вақтда бир пиёла иссиқ чой ичсангиз, ичнгиз исийди-ку. Хона бўлса, шундай шартларни қилиб қўярдиқ. Аммо шароит йўқлиги учун машғулотдан бўш вақтларда уйга бориб келишга мажбур бўламиз.

Иншоотлар фаолияти кўнгилдагидекми?

2016 йилда гимнастика залининг ёнгинасидан маҳобатли «Сув спорти саройи» қад кўтарди. Бунга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард 350 миллион сўм сарфланди. Сузиш, энгил фойдали ва сеvimли спорт тури эмасми, ўғлини ёки қизини сузишга бермоқчи бўлганлар мажмуага оқиб келаверди...

2018 йилда эса юқоридаги спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, болалар ўр-тасида спортни оммалаштириш ва худуддан вилоят ҳамда республика терма жамоаларига муносиб ўринбосарлар тайёрлаб бериш мақсадида Шахрисабз шаҳар Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилди.

Бугун бу ерда эркин кураш, дзюдо, самбо, таэквондо WTF, кураш, бадминтон, ушу, каратэ, спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, енгил атлетика спорт турларидан етти юз нафарга яқин ўғил-қиз 19 нафар мураббий қўл остида шуғулланмоқда.

Бундан 13-14 йил олдин қурилган гимнастика залига БУСМ мураббийларининг билдиришича, сузиш саройи йил ўзи иссиқ эмас, балки мавсумий, яъни ёз фаслидагина ишлайди.

– БУСМнинг «сантехникман» – дейди Абдураф Раҳматов. – Сув спорти саройига қўйилган қозонхона анча катта. Шу боис, кўп газ босими талаб этилади. Кам босимли газ билан бинони иситиш имкони мавжуд эмас. Сузиш спорти учун сув ва худуд ҳарорати мўътадил бўлиши лозим. Масалан, сувнинг ҳарорати меъёрида бўлса-ю, хона совуқ бўлса, бола шамоллайди. Икки қизим сузишга қатнашди, бирининг бурни шамоллаб, «гайморит» бўлди. Ота-оналар болаларини ўта катта қизиқиш билан сузиш тўғрисида олиб келишди. Қозонхоналар ишламагани, залнинг совуқлиги, шамоллаш хавфи юқорилигини кўриб, секин-аста фарзандларининг машғулотларини тўхтатиб қўйишяпти.

Айни пайтада сув спорти саройидан йил бўйи тўлиқ фойдаланиш чора-тадбирлари изланипти. Сув ва хонани электр токи ёрдамида иситиш масалалари ҳам кўриб чиқилаётир. Бироқ барибир қозонхоналарни кичикроғига алмаштирмасдан йирик сув саройини иситиш мумкин. Харажатлар ортиб кетаверилади. Соҳа мутахассиси бўлганим учун аҳволдан тўла хабардорман. Энг оқилона йўл – биринчи қишги алмаштириш, деб ўйлайман...

Бизга маълум бўлишича, БУСМ раҳбари Хусан Юсупов сузиш саройини давлат-хусусий шерикчилик асосида ишлашга бўйича шаҳардаги тадбиркорларга мурожаат ҳам қилган. Аммо ҳозирча амалий самарага эришилганича йўқ. Чунки, тадбиркорлар фойда қилишмас, харажатли ишга кўпм бош қўшаверишмайди-да.

БУСМда спорт залига ҳам эҳтиёж бор. Бир нечта спорт турлари мураббийлари шаҳардаги умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари залларида машғул ўтказишмоқда.

Ушбу Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби енгил атлетика бўйича ютуқларга эришишда яхши аъёналарга эга. Жумладан, Асилбек Зокиров, Нилуфар Усмонова каби атлетлар республика биринчиликларида ғолиб ва совриндор бўлиб қайтишмоқда. Самбочи полковлар Нурмуҳаммад Бегайев ҳамда Мухаммадали Садуллаевдан ҳам мураббий-

ларнинг умиди катта. Мураббийларнинг саъй-ҳаракати билан турли спорт турлари бўйича БУСМ очик биринчиликлари ўтказиб туриладиган бўлиб, ешларнинг спортчи бўлиб, камолга етишида муҳим ўрин тутди. Масалан, август ойида самбо бўйича 2007-2008 йилларда туртилган ўсмирлар ўртасида спорт мактабининг очик биринчилиги ташкил этилди.

Энди гимнастика зали ҳақида. Ушбу залда БУСМнинг гимнастикачилари шуғулланса-да, зал «Хисор» футбол клуби балансида экан.

Бундан 13-14 йил олдин қурилган гимнастика залига БУСМ мураббийларининг билдиришича, сузиш саройи йил ўзи иссиқ эмас, балки мавсумий, яъни ёз фаслидагина ишлайди.

– БУСМнинг «сантехникман» – дейди Абдураф Раҳматов. – Сув спорти саройига қўйилган қозонхона анча катта. Шу боис, кўп газ босими талаб этилади. Кам босимли газ билан бинони иситиш имкони мавжуд эмас. Сузиш спорти учун сув ва худуд ҳарорати мўътадил бўлиши лозим.

Энди гимнастика зали ҳақида. Ушбу залда БУСМнинг гимнастикачилари шуғулланса-да, зал «Хисор» футбол клуби балансида экан.

Бундан 13-14 йил олдин қурилган гимнастика залига БУСМ мураббийларининг билдиришича, сузиш саройи йил ўзи иссиқ эмас, балки мавсумий, яъни ёз фаслидагина ишлайди.

– БУСМнинг «сантехникман» – дейди Абдураф Раҳматов. – Сув спорти саройига қўйилган қозонхона анча катта. Шу боис, кўп газ босими талаб этилади. Кам босимли газ билан бинони иситиш имкони мавжуд эмас. Сузиш спорти учун сув ва худуд ҳарорати мўътадил бўлиши лозим.

Айни пайтада сув спорти саройидан йил бўйи тўлиқ фойдаланиш чора-тадбирлари изланипти. Сув ва хонани электр токи ёрдамида иситиш масалалари ҳам кўриб чиқилаётир. Бироқ барибир қозонхоналарни кичикроғига алмаштирмасдан йирик сув саройини иситиш мумкин. Харажатлар ортиб кетаверилади. Соҳа мутахассиси бўлганим учун аҳволдан тўла хабардорман. Энг оқилона йўл – биринчи қишги алмаштириш, деб ўйлайман...

Бизга маълум бўлишича, БУСМ раҳбари Хусан Юсупов сузиш саройини давлат-хусусий шерикчилик асосида ишлашга бўйича шаҳардаги тадбиркорларга мурожаат ҳам қилган. Аммо ҳозирча амалий самарага эришилганича йўқ. Чунки, тадбиркорлар фойда қилишмас, харажатли ишга кўпм бош қўшаверишмайди-да.

БУСМда спорт залига ҳам эҳтиёж бор. Бир нечта спорт турлари мураббийлари шаҳардаги умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари залларида машғул ўтказишмоқда.

Ушбу Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби енгил атлетика бўйича ютуқларга эришишда яхши аъёналарга эга. Жумладан, Асилбек Зокиров, Нилуфар Усмонова каби атлетлар республика биринчиликларида ғолиб ва совриндор бўлиб қайтишмоқда. Самбочи полковлар Нурмуҳаммад Бегайев ҳамда Мухаммадали Садуллаевдан ҳам мураббий-

ларнинг умиди катта. Мураббийларнинг саъй-ҳаракати билан турли спорт турлари бўйича БУСМ очик биринчиликлари ўтказиб туриладиган бўлиб, ешларнинг спортчи бўлиб, камолга етишида муҳим ўрин тутди. Масалан, август ойида самбо бўйича 2007-2008 йилларда туртилган ўсмирлар ўртасида спорт мактабининг очик биринчилиги ташкил этилди.

Шахрихон тумани Андижон вилоятининг аҳоли энг зич ҳудудларидан бири. Иборали таърифлаганда, бурнига қўнган пашшани ҳайдаган кишининг кафти қўшнисининг юзига тегади. Аҳолининг 60 фоизи ёшлар. Демак, вояга етаётган ўғил-қизларни маънан, жисмонан етук тарбиялаш, соғлом турмуш кўникмасини шакллантириш каби жиҳатлар жиддий ёндашуви талаб этади.

Фарзандларнинг бўш вақти – душманларнинг иш вақтига айланмасин!

Худудда фаолият кўрсатаётган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳозирги кунда 2 минг 29 нафар тарбияланувчини қамраб олган. Шундан 852 нафари қизлар. Сизнингча, бу кўрсаткич бутун бошли туман учун кўпми ёки кам? Албатта, кам! Ахир тўғарақлар бепул, машғулот заллари, зарур жиҳозлар борасида муаммо бўлмас! Унда болаларни оммавий равишда муассасага жалб этиш учун нима етишмаяпти?

Мазкур мактабнинг асосий базасида сузиш ҳаваси бор. Яъни муассаса асосан спортнинг сузиш турига ихтисослашган, шунинг баробарида бадий гимнастика, бокс, баскетбол, волейбол, қўл тўпи, дзюдо, каратэ, ўзбек жанг санъати, белбоғли ва юнон-рум кураши, теннис, футбол сингари йўналишлар бўйича ҳам машғулотлар олиб борилади.

Меҳнат фахрийси Тўлқин Сиддиқовнинг таъкидлашича, ҳар бир худудда аввалдан спортнинг маълум тури ривожланган, ихтисослашув сабаб яхшигина натижаларга эришилган. Масалан, бир пайтлар шахрихонлик ҳаваскорлардан иборат футбол жамоаси ҳозирги «Андижон» клуби аъзоларидан кўра кучлироқ салоҳиятга эга бўлган. Шу боис, узоқ вақт мамлакат миқёсидаги мусобақаларда байроқдорлик қилишган. Туманда ҳозир ҳам футболга қизиқиш кучли, истеъдодли ёшлар жуда кўп. «Шундан келиб чиқиб, Шахрихонда сузиш спортини ҳам инкор қилмаган ҳолда асосий уруғ футболни ривожлантиришга қаратилиши керак. Худуддаги футболга дахлдор кучлар бирлаштирилиб, ягона спорт мактаби айлантирилса, аввал эришилган мавқени тиклаш мумкин», дейди у.

БУСМ директори Аббосхон Зокиров айна масалада юқоридаги мулоҳазаларга уйқаш фикрларини билдирди.

– Муассасага директор этиб тайинланганимга уч ойча бўлди, – дейди Аббосхон Зокиров. – Ҳукувичиларни қизиқтириш, қамровини кенгайтириш ҳақида кўпчилик билан кенгашидик. Тарғибот қилишди. Болалар сафи аста-секин кенгаймоқда. Лекин асосий йўналиш – сузиш спортига интилиш барибир кучли эмас. Менимча, спорт мактабларининг ихтисослашув масаласини қайтадан жиддий кўриб чиқиш зарур.

– Қизим Феруза 68-мактабнинг 2-синфига ўқияпти, – дейди Моҳидилхон Султонова. – Болалигидан бироқ нимжон ўсди. Шифокорлар отасига «Қизингиз сузишга қатнасин, имунитети мустаҳкам бўлади, соғлом улғаяди», деб маслаҳат беришибди. Ният қилиб келдик, бугун биринчи машғулотга қатнашди.

Кузатишмики, муассасага сузишга қатновчи қиз болалар нисбатан кам. Бир гуруҳ шахрихонликлар билан мулоқотдан хулоса шуки, кўп ҳолларда бу масала ота-оналарнинг рўйхушлик бермаслиги билан боғлиқ. Қани энди, ота-оналаримиз сузишнинг қизлар учун қанчалар фойдали эканини тушунади!

Тўғри, айна йўналишда наинки соғлом турмуш тарзига эришаётган, балки мамлакат миқёсида ўтаётган чемпионатларда ўзига яраша натижа кўрсатаётган қизлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўтган йили Ўзбекистон чемпионатида Нилуфар Толибонова 1-, Маҳдия Мухторова 3-ўринни қўлга киритди. Уларга ҳавас қилиб муассасага қатнай бошлаган мактабдошлари, маҳалладошлари бор. Лекин қатнашувчилар сони нисбатан олиб қараганда, жудаям оз.

Мулоқотлар чоғида муассасада қўлга киритилган ютуқлар билан қизиқтирдик. Шу йилги ўқувчилардан Исломибек Сатторов, Шохроҳ Турсунмухаммадов қаратэ бўйича Осиё чемпионатида, Абдураҳмон Турсунов қўл жанги бўйича Қозонистонда ўтган жаҳон чемпионатида 3-ўринларга сазовор бўлишди. Мамлакат миқёсидаги чемпионатда ҳам 30 га яқин фохри ўринлар эгалланган. Демак, олдинга интилиш, ҳаракат бор. Бироқ...

Юксак марралар кўзланаётган бўлса-да, довонга етиш учун тўсиқ бўлаётган омиллар талайгина. Аввало, мутахассис етишмовчилиги. Сузиш спорти бўйича фаолият кўрсатаётган беш нафар мураббийнинг икки на-

бали тренернинг янги ўқув йили арафасида машғулот соатларини қисқартириб, умумтаълим мактабига ишга ўтиб кетгани сабаби ҳам шунда! – Тажрибали, номи чиққан кадрларни излаб, ишга тақлиф қилишга уриняптимиз, – дейди директор Аббосхон Зокиров. – Очиги, кўзга кўринган, муайян йўналишнинг сир-асрорини, қонун-қоидаларини яхши биладиган, энг муҳими, биланларини болаларга ўргата оладиган спортчилар бор. Аммо ишлаш учун лицензияга эга эмас. Рухсатнома олиш билан боғлиқ мураккаб жараён баъзан спортчинини шаштидан қайтаряпти. Чунки аттестация чоғида фаолиятга тааллуқли бўлган саволлар ҳам бор...

Мавзуну ўрганиш асноси қатор мутахассислар, соҳа фахрийлари билан мулоқотда бўлдик. Тушуниганимиз шуки, фаолияти билан танишганимиз – Шахрихон тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабида фаолият кўришди, болалар қамровининг кескин кенгаймаётганлиги вилоятдаги бошқа турдош муассасаларга ҳам тааллуқли. Бу борда Андижон шаҳридаги Спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган БУСМ услубчиси Илҳомжон Мирзаевнинг фикрларига қулоқ тўтиб кўринг-а...

– Енгил атлетика – чемпионатларда энг кўп медал берадиган йўналишлардан бири. Масалан, олтин медал олган АҚШлик спортчиларнинг аксарияти шу соҳадан экан. Энг муҳим йўналиш ҳисобланган мана шу спорт турини нима учун бизда ривожлантириш мумкин эмас? Жуда кўп болалар қизиқади бу соҳага, лекин объектив ва субъектив омиллар сабаб аксарият спорт мактабларида мутахассис етишмайди. Шарт-шароитлар талабга жавоб бермайди. Халқаро стандарт бўйича мазкур йўналиш мусобақалари махсус резинали йўлакларга ўтказилади. Вилоятда ўқувчилар шуғулланиши учун талабга жавоб берадиган бирорта резина йўлакнинг ўзи йўқ. Чунки беллашувга асфальтда югуриб тайёргарлик кўрган спортчи ҳар қанча тайёргарликка эга бўлмасин, мусобақа ўтадиган стандарт йўлакдан рақибларига имкониятни бой бериб қўяди. Агар айна соҳага жиддий эътибор берилса, қизиқувчилар кескин ошадиги, Андижондан ҳам яқин келажакда Олимпиада чемпионлари чиқишига ишонаман.

Кўриниб турибдики, болаларни спортга оммавий жалб этиш бора-сида талайгина муаммолар бор. Уларнинг айримларини қисқача таҳлил қилдик. Ҳақиқат шуки, мутахассислар соҳага давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида қараб, муаммоларнинг амалий ечимига жиддий киришмас экан, ижобий ўзгаришлар юз бериши қийин. Қанинги, спорт мактабларига қатновчи ўғил-қизлар сафти янада кенгайса! Ани шундангина катта талабларга эришиш имкониятлари ортади. Муассасаларда ҳам ўқувчиларни қизиқтириш учун янгича ёндашувлар ташкил этилсаки, болалар бўш қолди дегунча спорт мактабига чопса! Ани шунда, Президентимиз топиб айтагиндек, «Фарзандларимизнинг бўш вақти – душманларимизнинг иш вақти» бўлиши имкон қолмайди.

Оғриқли нуқталардан энг муҳими – мураббийларнинг маоши масаласидир. Айтайлик, Шахрихон БУСМда ярим ставка ишловчи тренерга 465 минг сўм, тўлиқ ставкада фаолият юритаётганларга эса 1 миллион 9 минг 289 сўм иш ҳақи тўланади. Бу маблағ малакали, ўз салоҳиятини чамамай оладиган мутахассисни қониктирмаслиги табиий. Тўғри, бир нафар Ўзбекистон чемпионини тарбиялаган тренерга ўқув йили давомида ойлик маошига 10 фоз миқдорда устама қўйилади. Чемпион шогирдлар сони ошгани сайин устама ҳам мос равишда ортиб боради. Бироқ арзимас маош билан бу машаққатга чидаш берадиган фидойилар қани? Тизимдаги депсинишнинг мана шу нуқтасига жиддий эътибор қаратиш зарур.

БУСМ мутахассислари ва умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг иш ҳақи ўзaro қўйсиланса, яхшигина фарқ сезилади. Айни шу сабаб кейинги пайтада кўпчилик мураббийлар спорт мактабидан кўра, умумтаълим мактабларида ишлашни маъқул кўришмоқда. Зикр этилаётган муассасада юнон-рум кураши йўналиши бўйича бир ярим ставкада фаолият юритаётган олий маълумотли, тажри-



Андижон вилояти



Нурилло НУЗИМОВ, «Ishonch»



Бадий гимнастика гилами эскирган. Бир бурчада спорт «матлари» тахлаб қўйилган, улар ҳам эски.

– Мактабда ўқиб юрган вақтида бадий гимнастикага қизиқишим уйғонган, – дейди ҳозирда мураббий бўлиб ишлаётган Нодира Ғоипова. – Бунга устозим Хайрулла Жабборовнинг фидойилиги, машғулотларни сидқидилдан ўтиши сабаб бўлган деб ўйлайман. 2006 йилда гимнастика зали қурилгандаги хурсандчилигимизнинг чеки йўқ эди. Хайрулла аканинг тавсияларига кўра, Мироқ спорт педагогика коллежида ўқидим ва шундан сўнг мураббийлик фаолиятим бошланди. Ўзим мутахассисларимизнинг бадий гимнастика билан кеч шуғулланганим учун юқори натижалар қайд эта олманман. Бироқ шогирдларим орасидан чемпионлар чиқаришни орзу қиламан. Айни пайтада залда 50 нафарга яқин қизга бадий гимнастика силрални ўргатапман.

– Иқтидорли шогирдларингизни санаб ўтсангиз, – мураббийдан сураймиз.

– Асила Зарипова, Висола Саидова, Эъзола Ибрагимова, Азиза Шарипова каби қизларимнинг талабага бўлган иштиёқи, машғулотларга

вал асосида машғулотлар тўхтамайди. Демак, профессионал спорт талаб қиладиган шароитларни яратиш вақти келди...

Биз билан суҳбатда БУСМ мураббийлари шу йилнинг 4 сентябрь санасида Президентимиз томонидан спорт соҳаси ривожига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишини катта ҳаяжон билан кузатганини айтиб ўттидик.

– Президентимиз биз, мураббийларга ҳаққий спортчи тайёрлашни, бу йилдаги барча машаққатларни энг иштини таъкидлаб ўтдилар, – дейди БУСМ директори ўринбосари Уктам Камолидинов. – Ватан шарофини улғайтиришга чемпионлар тарбия қилган мураббийларни эса муносиб рағбатлантириш лозимлигини айтганларда қалбларимиз жунбушга келди.

Умид қиламизки, Шахрисабз шаҳридаги спорт масканларида юзага келган ва мақолада юқорида тилга олинган муаммолар соҳа мутахассислари томонидан жиддий ўрганилиб, уларнинг ижобий ечимига эришилади. Зеро, давлатнинг катта маблағлари эвазига катта марраларни қўлаб қурилган иншоотлар бениқсон ва самарали ишлаши керак...



Акмал АБДИЕВ, «Ishonch»

Эҳ, сиз эркак-«эркаклар»

Эҳуд унутилатган қадриятлар ҳақида ўйлар

Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда дабдабали тўйлар, ким-ўзарга қилинган пулсочарлик мусобақалари, ўз тўйида ахлоқнинг ҳар қандай қондасини унутётган келин-кўевларга кўзимиз тушмоқда.

Кимдир отарчилар бошидан сочаётган пулларини кўз-кўзласа, кимдир тўйга қадар ўз жуфти билан нималар қилиб улгурганини намойиш этувчи «love story»ларга миллионларини тикмоқда. Қанчалар аччиқ бўлмасин, тен олиб айтишимиз керакки, «мен сендан камми» қабилидаги ҳою-ҳавасларга ўчлигимиз юртимизда тўй бизнесининг ривожланишига замин яратмоқда.

Бирни кўриб фикр қил, дейди доно халқимиз. Водийнинг айрим худудларида тўй баъзи аввалида келинсалом бажо келтирилади. Келиннинг илк саломига куёвнинг узоқ-яқин қариндошлари пул бериб, миннатдорлик изхор этади. Бу ҳолатни чақалоқни илк бора кўрганда берилмажак сунучи – кўрманга қийслашади. Аёлларнинг одати бўлгани учунми, кўз ўрганиб қолган экан бу ҳолатга. Аммо ижтимоий тармоқда келиннинг яқинларига эгилиб-букилиб салом қилаётган куёвни кўриб, ҳайратдан ёқа ушладим. Эсим, йигит деган ном, эсим, эркаклик шарафи. Арзимаган пул-у латта-путта учун келиннинг ҳеш-у ақраболарига аёллардек тавозеъ келин салом қилса-я?

ҲАММАСИНИ КЕЛИН ТАРАФ ҚИЛИШИ КЕРАК!

Ушбу қондани аёллар ўйлаб топганига шубҳа йўқ. Аммо куёв бўлмиш хотини қилиб келган сарпони кияди, унинг идиш-товонига овқат еб, у келтирган диванда бахур-зур оёқ узатади.

Ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган – тўйдан олдин унаштирувини бекор қилган куёвнинг гаплари ёдингиздами: «Ўртоқларимга турецкий сарпо қилишган. Менга қардаги Гиждуннинг нарсаларини олиб келишибди. Мени бундай шарманда қиладиган хотиннинг кераги йўқ!»

Танишларимдан бири ҳикоя қилади: «қизимни пойтахтга узатди. Куёвнинг ота-онаси ўзимиз билан бир жойдан. Аммо аёл қудамизнинг кибр-ҳавоси анчагина баланд экан. Бошида ҳамма одат ўзимизнинг фарғонача бўлади, деди. Биз ҳам ишонибмиз. Ҳайитда ота-онанг назари паст одамлар экан, кўшнлар олдида об-рўйм бир пул бўлди, лоақал 20 та тоғора қилмади, дея қизимни ҳайдаб юборди. Куёвни чақиртириб, сиз ўзининг эркак, масалани нега бундай ҳал қиласиз, десам,

бизниқанда ойимнинг айтгани бўлади, шу тоғорасини қилиб жўнатмасангиз, қизингиз ҳам керакмас, дейди».

ДАМИДА ОШ ПИШАДИ

Анджоннинг «мазар едиси» ҳақида эшитмаган одам бўлмас керак. Қирқ кун уч маҳал ташилладиган таомнома унча-мунча ингичкани узиб, йўғонни чўзилтиради. Қўшқина сафарим давомида танишганим, оплоқ соқоли Нуриддин бобо ҳикоя қилади:

«Келин олаётганимда, аёлим билан куда тарафга бордим. Тўрт куда биргалашиб, масалаҳатлашдик. Мен шарт қўйдим: ҳар қандай олди-берди эркаклар

орқали бўлади. Агар юзимизни босиб ўтмоқчи бўлсангиз, бемалол исрофгарчилик қилаверинг. Уйимга келин тарафдан игна ҳам кирмайди. Қизингизга юзталаб сарпо-суруқ қилиб ўтирманг. Хотин олишга ақли етган ўғлим, боқшининг ҳам уддасидан чиқади, дедим. Ихчамгина тўй ҳам ўтди, аммо куда тарафдан эртасигаёқ ноушталик келибди. Илк дастурхон дея индамадим. Аммо тушлик олдида келинга «қизим, уйингиздагиларга айтинг, овқат жўнатишмасин» деб тайинладим. Бироқ тушлиқда яна овқат келди, овқатни машинамга солдим, келинимни ҳам чиқардим. Тўғри қуданикига йўл олдик. «Агар яна овқат жўнатсангиз, қизингизни ҳам қайтариб ташлаб кетамиз», дедим. Шундан бери қўлогим тинч, оиламизда латта-путта машамаси йўқ. Эркак, аслида, ҳам шундай бўлиши керак деб ўйлайман.

«Ўртоқларимга турецкий сарпо қилишган. Менга қардаги Гиждуннинг нарсаларини олиб келишибди. Мени бундай шарманда қиладиган хотиннинг кераги йўқ!»

Бу пурмаёно ўғитларга, афсуски, камсонли қатламгина риоя қилаётир.

ҲАР БИР БАЙРАМ МЕН УЧУН АЗА

«Онам оққон билан касалланган. Акамнинг ҳам, дадамнинг ҳам тоғгани даволашига кетади. Қайнонам эса, буни «жуда яхши тушунгани» ҳолда, ҳар байрамда йўқлов кутаверадилар. «Онангизга айтинг...» деб бошланувчи талабномаларидан безиб кетганман. Байрам яқинлашгани сайин жонимни ҳовучлайман», дейди ёшгина чеҳра-

сида аллақачон ажнлар из ёйган Ситора. «Қайнотангиз индамайдиларми ёки турмуш ўртоғингиз тушунтирсалар-чи?» дейман қизиқсиниб.

«Опажон-ей, эримнинг ўзи нимани қардан олиш шартлигини ўқитиб ўтиради-лар-ку! Энг ёмони, биласизми, нима? Ўғлимда ҳам худди дадаси каби одамларнинг қўлига қарайдиган характер пайдо бўлмоқда... Қуш уясида кўрганини қилади, деганлари рост экан-да?»

НАФСИМ МЕНИНГ БАЛОДУР

Бир мuddат аввал «Келин тарафга ме-бель йўқ» тарзидаги реклама баннерлари пойтахт кўчаларида кўзга ташланаётган эди. Айрим виждони уйғоқ йигитлар «мебелсиз келин» ҳештегини ижтимоий тармоқларда ёйишди. Бироқ бу тарғибот етарли эмасдек. Оловни инганининг учинча сув билан ўчирмоқда чоғланаётгандекмиз.

Акс ҳолда, «куёв салом»лар бунчалик тез ёйилмаган бўларди. Эгилиб-букилиб салом бераётганлар наҳотки ўзбегимнинг мард, танти ўғлонлари бўлса, дея ажабланасан киши. Зеро, ўзбек йигитлари қадим-қадимдан ор, фурур, мардик тим-соли бўлган. Серилларга муккасидан кетган оналар тарбиялаган ўғлонлар бугун келин томонинг нима олиб келиши, қайси фирманики бўлиши лозимлиги, ҳатто, қандай нарҳда бўлишини ҳам белгилаб беришмоқда.

Айтмоқчи бўлганимиз шуки, эркак эркаклигини ҳис қилган жойда, аёлларда ҳаё, ҳурмат, ному сушунчалари устувор бўлади.



Дилдора РАҲМОНОВА, журналист

Ватан манзумаси

Малика САЛИМОВА

«Сендек сулув юрт йўқ...»

*Беш кунгина кучоғингдан кетиб, Ватан,
Беш кунгина яшаб кўриб сендан йироқ,
Гўё беш йил кўрмагандек соғинибман.
Гўё беш йил ўртагандек мени фироқ!*

*Тўйиб-тўйиб ютаяман ҳаволаринг,
Гўё сенинг тупроғингнинг ранги бўлак!
Мовийроқми, яқинроқми самоларинг,
Гусурлайди вужудимда ўнта юрак!*

*Жуда йироқ кетганим йўқ, кўшни давлат,
Одамлари кўнгли олиб тўймас экан.
Мен шунда ҳам ўйлайвердим сени фақат,
Мен шунда ҳам қўмсайвердим сени, Ватан!*

*Жажжигина чақалоқ ҳам минг уринманг,
Ухламайди ётмагунча бешизига.
Менганининг қувончига битта қаранг,
Қўлим теккач ўз уйимнинг эшигига!*

*Саёҳатни сўйганлар кўп, нима етсин,
Ўтирганни буйра дерлар, юрган дарё.
Эҳ, олдиндан бутун дунё ўтаверсин,
Сендек гўзал, сендек сулув юрт йўқ гўё!*

*Беш кунгина кучоғингдан кетиб, Ватан,
Сени беш йил кўрмагандек соғинибман...*

Мийти ҳикоялар



Тартиб
Узоқ йиллар алғов-далғовли ҳаёт кечирган, баракаси кетган оила тинчиди, қолди. Чунки тартиб кириб келган эди.

Бувимнинг ҳикояси
Кўзининг бошларида қўшимиз Зулфинисо опамниқига бир коса қатиқ сўраб чиқдим. У «Бир косамас, ярим коса қатиғим бор», деб косани менга тутқазди.

Кейин Ҳожи опамниқига кирдим. Унга Зулфинисо опамдан шунча қатиқ олганимни, менга яна шунча кераклигини айтдим. У ичкаридан икки коса қатиқ олиб чиқди.

Менинг ҳайронлигимни кўриб деди: «Зулфинисо депаласия қилинган даладан печак юлиб келган ўғлимни дори элтиб қопти, унга ичирман, деб сахарда ярим коса қатиқ сўраб чиққанди. Сизга шуни берган шекилли. Манови косани унга беринг, бунисини сиз олинг».

Бувим ҳозир 96 ёшда. У шу ҳикояни айтиб чарчамайди, мен эса эшитиб...

Табибнинг дарси

Тоғли қишлоқда номи чиққан табибга бордик. Шифо излаб келганлар садақайрағоч тагидаги ўриндиқларда навбатини кутиб ўтирибди.

Навбатим яқинлашганда, орқамда турганларини икки-уч бор олдинга ўтказиб бордим. Уларни кўриб бўлгач, табиб мени чеккароққа чиқариб, деди:

«Бу ерга ихлос ва ишонч билан келманг кўринасиз, шу боис, дори-дармонларимнинг сизга ёрдам беришига қафолат беролмайман».

Табибнинг бу гапи мен учун бир умрлик сабоқ бўлиб қолди.

Муҳаммад ТОШБОЛАЕВ


Саратон хасталиги. Бу сўз кишини бир сескантиради. Давоси йўқ, деган тушунча онгимизга кириб қолган. Аслида-чи? Хасталикка учрамаслик учун нима қилиш лозим? Касалликнинг шифоси борми? Энг кўп учрайдигани меъда саратони ҳақида фикр юритиш асносида ушбу саволларга жавоб излаймиз.

САРАТОН ОЛДИ...

Меъдада саратон ривожланишидан олдин саратон олди касалликлар учрайди. Улар сира-сига сурункали атрофик гастрит, пернициоз анемия, меъда сурункали яра касаллиги, гиперпластик полип, аденомалар, Менетрие касаллиги, меъда касалликлари сабабли ўтказилган жарроҳлик амалиёти ва бошқаларни келтириш мумкин. Шунингдек, спиртли ичимликлар истеъмол қилувчилар, тамаки ва нос чекувчиларнинг касалланиши хавфи, зарарли одатлари бўлмаганларга нисбатан 10 маротаба юқорилиги илмий жиҳатдан исботланган.

КАСАЛЛИК ГЕОГРАФИЯСИ

Ҳозирги кунда меъда саратони билан касалланиш кўрсаткичи Шарқий Осиё ва МДХ дав-



латларида жуда юқори. Юртимизда ҳам бошқа хавфли ўсмалар ичида меъда саратони кўп учрайди, эркаклар орасида 1-ўринда, аёллар орасида кўрақ беиз ўсмасидан кейин 2-ўринда туради. Шунингдек, бу касаллик билан асосан 50 ёшдан 70 ёшгача бўлган инсонлар касалланиши ҳам кишини ўйга толдиради.

ОЛДИНИ ОЛИШ

Кейинги йилларда тиббиётнинг ривожланиши ва замонавий диагностика усулларининг кенг татбиқ этилиши бу масалага сезиларли ижобий таъсир кўрсатмоқда. Лекин касалликнинг кечиккан даражаларида мурожаат қилиш ҳамон юқори фоизларни ташкил қилади. Бу-

Меъдасиз яшаш мумкин(ми?)

нинг асосий сабаби, аҳолининг асосий қисми касаллик ва унинг оқибати ҳақида етарлича тушунчага эга эмас.

Масалан, Япония, Корея ва Европа мамлакатларида меъда саратони 70 – 85 фоиз ҳолатда бошланғич босқичларида аниқланса, МДХ мамлакатларида бу кўрсаткич 15-20 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткичлар замонавий диагностика усулларидан ҳам кўпроқ, аҳолининг тиббий маданияти ва бу касаллик ҳақида қай даражада тушунчага эга экани билан боғлиқ. Ваҳоланки, ўз вақтида шифокорларга мурожаат этиш ва профилактик текширувлардан ўтиш касалликни эрта даврда аниқлашга имкон яратади.

ЭРТА БОСҚИЧ БЕЛГИЛАРИ

Меъда саратонининг эрта босқичларида беморларни ҳеч нарса безовта қилмас-да, лекин куйдаги белгилар кузатилиши мумкин:

- сабобсиз умумий ҳолсизликнинг пайдо бўлиши, иш фаолиятининг сусайиши.
 - сабобсиз иштаҳанинг пасайиши ёки йўқолиши, ишлари истеъмол қилиб юрган овқатларга нисбатан ёқтирмаслик ҳисси пайдо бўлиши, айниқса, эшитли маҳсулотларнинг ёқмаслиги.
 - камқонлик.
 - баъзан сабобсиз тез озиш ва бошқалар.
- Бу белгилар меъда саратони эрта даврдан ташқари касалликнинг кечки босқичларида ҳам аниқланиши мумкин.
- Ўсма жараёни ўсиб-ривожланиши давом этиб, меъда нормал фаолиятига таъсир кўрсатадиган даражага етганда, бошқа турли белгилар ҳам кузатилади. Масалан:
- куюқ овқатлар истеъмол қилганда тўш ортида туриб қолиш ҳисси;
 - «қадалиб» ўтиши;
 - овқат ҳазм бўлмадан туриб қолиш ҳисси;
 - оғиздан ноҳуш ҳид келиши;
 - кекириш, кўнгли айниши, қусиш, қориндаги оғриқлар ва бошқа белгилар ҳам кузатилиши мумкин.

МУҲИМ ОМИЛИ

Ҳозирги кунда меъда саратонини эрта аниқлашга – эндоскопик текширувнинг аҳамияти жуда катта бўлиб, у саратон турини аниқлаш ҳам ёрдам беради. Афсуски, баъзилар унинг қанчалик зарурилигини, аҳамиятини ва тўлиқ маълумот беришини тушунмай, ушбу текшириш усулидан бош тортадилар, бу эса касалликни ўз вақтида аниқлашга имкон бермайди.

Ҳозирги кунда меъда саратонини аниқлашда бошқа замонавий диагностика усуллардан ҳам фойдаланилади. Булар қаторига компьютер томография, рентгенология, генетик, иммунологик ва бошқа лаборатор текширувларни киритиш мумкин.

ТУЗАЛИШ ИМКНИ БОР

Кўпчилик инсонлар саратон касаллигини давоси йўқ дард деб ҳисоблайди. Лекин ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб бу касалликларни даволаш бўйича турли жарроҳлик усуллари ва дори-дармонлар ишлаб чиқилмоқда.


Мамлакатимизда меъда саратонини даволаш яхши йўлга қўйилган бўлиб, жуда яхши натижа-лар кўлга киритилмоқда. Буни даволашни учун келаётган бошқа мамлакатлар фуқаролари мисолида ҳам билиш мумкин. Ушусан, Республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида изланишлар кенг қўламда олиб борилмоқда.

Меъда саратонининг даволашда бошқа хавфли ўсма касалликлари каби жарроҳлик, кимё терапияси ва баъзан нур терапияси усулидан фойдаланилади. Меъда саратонини асосий даволаш усули жарроҳлик амалиёти ҳисобланиб, ўз вақтида малакали мутахассис – онколог томонидан ўтказилган операция саратон хасталигидан тўлиқ тузалишга имкон яратади.

СУНЬИЙ МЕЪДА ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

Меъдасиз одам яшаш мумкинми? Бу саволга кўркмасдан «Ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Аммо бу инсонлар бошқалардан фарқи равишда ҳаёт тарзини тубдан ўзгартиришлари лозим бўлади. Яъни бундай инсонларда но-нушта, тушлик ва кечки овқат тушунчалари бўлмадан, оз-оздан тез-тез овқат истеъмол қилишларига ва парҳез тутишларига тўғри келади. Лекин ҳозирги кунда Марказ ҳодимлари томонидан ишлаб чиқилган ва кенг миқёсда қўлланилаётган жарроҳлик амалиётидан бири меъда олиб ташлангандан сўнг бир вақтинг ўзида «сунъий меъда» қўйиш амалиётидир.

Бунда амалиёт ўтказиладиган беморда ўзининг ингичка ичигидан олинган бўлак, меъда ўрнини босувчи резервуар ясалади ва беморнинг касалланган меъдаси ўрнига қўйилади. Бундай жарроҳлик амалиётини ўтказган беморлар одатдаги ҳаёт тарзига қайтиши, меҳнат фаолиятининг тикланиши мумкин бўлиб, бо-



шқа инсонлардан деярли фарқ қилмайди. Ҳаттоки, бу одамларда тана вази ни ошиши ва маълум бир вақтдан сўнг парҳез тутмасдан одатдагидек овқатланиш тарзига ўтиш имконини беради. Илк бор 2003 йилда сурхондарёлик 16 ёшли ўспиринда мазкур амалиёт бажарилган. Одатда бу ёшда меъда саратони кам учрайди. Шунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиб ўзининг ингичка ичигидан «янги меъда» ясаб қўйганмиз. Бугунги кунда у савлатли эркакка айланиб, борча соғлом инсонлар қатори яшамоқда, оилали, фарзандлари бор, узоқ масофага юк ташувчи шофёр бўлиб ишлайди.

Марказда бир йилда 400 дан ортқ жарроҳлик амалиёти бажарилди, улардан 40-50 таси «сунъий меъда» қўйиш амалиётидир. «Сунъий меъда» меъданинг 50-60 фоизи функциясини бажариб беради. Касалликнинг кўпгина белгилари йўқолиб, камқонлик белгилари кузатилма-йди.

Бу янгилик ҳақида дунё бўйлаб тиббиёт бўйича ўтказиладиган бир қатор конференцияларда маълумотлар берилиб, натижалар таҳлил қилингандан сўнг бошқа мамлакатлардан ҳам даволашни истагини билдириб мурожаат этаётганлар сони муттасил ошиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, бу касалликни эрта – ўз вақтида аниқлаш ва малакали мутахассислар – онкологлар томонидан даволашни, дарддан тўлиқ фориг бўлишга имкон беради.



Дилшод ЗАГАМБЕРДИЕВ, Республика онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокори, тиббиёт фанлари номзоди

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўжук ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.

Манзиллимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. **Коржона манзили:** Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. **Баҳоиси келишилган нарҳда.**

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яншиноб филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдурахмонов

Мусоҳҳиҳ:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎА яқини – **01:00**
Топширилди – **01:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюроғи Г – 919.

28020 нусxada босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5